



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 72 (9818).

1990 йил 13 апрель • жума •

Баҳоси 3 тийин.

ВЛКСМ XXI СЪЕЗДИ ИШ БОШЛАДИ

1990 йил 11 апрелда Москвада ВЛКСМ XXI съезди иш бошлади.

Делегатлар съездчи ишчи органларини сайлашди, ВЛКСМ XXI съезди регламентини кўриб чиқдилар.

Съезд иш тартибини ва кун тартибини тасдиқлади.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисоботи юзасидан ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи котиби В.

Мироенко маъруза қилди. Иккинчи масала юзасидан ВЛКСМ Марказий тафтиш комиссиясининг раиси Н. Кликов маъруза қилди. ВЛКСМ Марказий Комитети ташкилий бўлимининг

муdiri В. Чепурин Мандат комиссиясининг маърузаси билан чиқди. Съезд ишида СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, СССР

Олий Совети раиси, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолари номзод А. И. Лукьянов, СССР Министрлар Совети раиси, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоси Н. И.

Рижков, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолари ва аъзолик номзодлари, КПСС Марказий Комитети секретарлари, министрликлар, идораларнинг, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, партия ва комсомол ветеранлари, ВЛКСМдан сайланган СССР халқ депутатлари қатнашмоқдалар.

Съезд ўз ишнин давом эттирмоқда.

ЧИГИТ ЭКИБ БЎЛИНДИ

● БЕКОВОД ноҳиясидаги «Победа» колхозида оқилан пудратчи пахтакорлар кўпчилигини ташкил этади. Меҳнатини ташкил этишининг бу илгор усулига ўтиш ташиббурскорларидан бири Абдусалом Абдуғафоровдир. У етакчилигидаги оила аъзолари бу йил ҳам дала ишларини намунали олиб бормоқдалар. 42 гектар майдонга чигит экишни икки иш кунда сифатли тугалладилар. Суратларда: (чапдан ўнгга) Абдусалом, Абдувоҳид, Абдуназар, Алишер Абдуғафоровлар.

Пастдаги суратларда эса чигит экиш пайти акс эттирилган.

А. МАЛЬЦЕВ
суратга олган.



ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Шаҳар ва ноҳия партия комитетларининг биринчи ва иккинчи котиблари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят партия ташкилотига ҳисобот-сайлов кампаниясининг бориши муҳокама қилинди.

Вилоят партия комитетининг котиблари В. Г. Гришчук, Ш. Н. Махмудова, В. Г. Горденко ахборот билан чиқдилар.

Йиғилишда, шунингдек,

КПСС Марказий Комитетининг Партия қурилиши ва кадрлар иш бўлими секторининг муdiriнинг ўринбосари Г. Т. Сташкевич нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий партиявий ва кадрлар иш бўлими муdiri П. В. Догонкин қатнашдилар.

ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Партия ва халқнинг содиқ фарзанди, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари Усмон Юсупов тугилган кунининг 90 йиллигига бағишлаб 11 апрель кунини Тошкент шаҳарлик вакилларнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Республика Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши-

нинг раиси Р. Ф. Ғуломов Усмон Юсуповнинг ҳаёт йўли тўғрисида маъруза қилди.

У.Юсупов билан бирга ишлаган партия ветеранларининг тўғрисида хотираларини сўзлаб бердилар.

Йиғилиш аҳлига «Усмон Юсупов» деб аталган ҳужжатли фильм кўрсатилди.

(ЎзТАГ).

30 ГЕКТАРГА ЕТДИ

● НАВОИЙ номли колхозда илгари 5—10 гектар майдонга картошка экиб келинган бўлса бу йил эса 30 гектар ерда картошка етиштириш режалаштирилди. Дехқонлар сифатли тайёрланган уруғликни эрта мўдатларда агротехника қондалари асосида экиб олиш

тадбирларини кўрдилар. Бу соҳада Хотамқул Раҳмонқулов, Абдуманнон Абдалев, Облаккул Мамаюсов, Маъмурқул Дўстбековлар бошлиқ пудратчи оналлар пешқадамлик қилдилар.

К. БЕГМОНОВ,
Бекобод.

УЛУҒ ШОИР ЮБИЛЕЙИГА

Алишер Навоийнинг беш юз йил муқаддам аъган ажойиб сатрлари бизнинг кунларда ҳам ўзининг замонавийлигини ҳамда долзарблигини йўқотмаган. Навоий ижоди жажон маданиятининг ажралмас бир қисминдир. Ўзбек адабиёти асосининг бўлажак юбилейи жумҳуриятимиз доирасидан ҳам ташқарига чиқиши керак, шу бонсдан унга зўр ғайрат ва масъулият билан тайёрларли кўриш лозим.

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигини ўтказиш юбилей комиссиясининг Тошкентда бўлган мажлисида ани

шу фикр айтилди. Мажлисини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Х. Ҳамидов олиб борди.

Тўпланганларга Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида юбилейга тайёрларлининг бориши тўғрисида ахборот берилди. Жумҳуриятимиз пойтахтида Навоийнинг ёдгорлик мажмуи бунёд этилмоқда. Комиссия аъзолари Шейхрат боғи ва Адабиёт музейи олдига Навоий ҳайкалинини ташмирлаш режалари, Навоий номли театр атрофидаги майдонни ўзгартириш режалари билан танишдилар. Тошкент шаҳрида

А. Навоий номли Давлат халқ кутубхонаси биносини қуришга доир ишларнинг бориши ҳақидаги ахборот тингланган.

Самарқандда Навоий ўғани Фохиз Абдуллайс мадраса-сини гузарини ободонлаштириш режалаштирилган. Алишер Навоий даври шеърини музейи ташкил этилади. Самарқанд дорилфунунининг янги биноси олдига «Навоийнинг ашлги ҳайкали қад кўтарилди. Бироқ юбилей ишшоотларининг бунёд этилиши қўзғилди кетмоқда. Комиссия аъзолари ушбу муаммоларни тезроқ ҳал этиш

учун ҳамақандга боришга қарор қилдилар.

Мажлисда «Фан» нашриётида Алишер Навоийнинг юбилейга аталган йиғирма томлари асарлар тўпламини, республикадаги бошқа нашриётларда шoir асарларини чиқариш билан боғлиқ аҳвол муҳокама қилинди.

Тошкент театрлари юбилейга тайёрларли кўришмоқда. Чунончи, Алишер Навоий номи билан аталувчи театр композитор М. Бурхоннинг улуғ шoir ҳақидаги операси устида иш бошлади. Ҳамза номли театр Уйғун ва Иzzат Султоннинг «Алишер Навоий» драмсини сахнада қайта тиклай-

ди, Муқимий номли театр томошбонларини «Навоий Астроободда» музикали драмсин билан таништирди. Илк ил-оммабон ва ҳужжатли фильмләр киностудияси ўзбек адабиётининг классик тўғрисидаги ҳужжатли лентани тасвирга туширмоқда. «Ўзбекфильм» киностудиясида К. Ерматовнинг «Алишер Навоий» фильми тикланмоқда. А. Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисида янги пьесаларга конкурслар эълон қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари У. Р. Умарбеков нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сийёсий бюроси съезд олди мунозарасининг бориши, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездида Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳаларининг муҳокамаси билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди. Партия ва жамиятдаги мунозара кенг доирадаги муаммоларга доир турли-ҳалқларни қислаш йўли билан қизғин ва самарали ўтаётганлиги, ана шу партия ҳужжатларини бойитиш учун кўп ва хилма-хил ма-

териал бераётганлиги таъкидланди. Шу билан бирга кўпгина коммунистлар, партия ташкилотлари КПССнинг баъзи аъзолари мунозарани амалий ўзандан фракциячилар кураши йўлига ўтказиб юборишга, партияда ажраллини келтириб чиқаришга зўр бериб уринаётганликларидан жиддий ташвишланмоқдалар. Ана шундай уринишларга баҳо бериш, партия сафларини жипслаштиришга даъват этиш зарурати туғилди.

КПСС Марказий Комите-

тининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзолари номзодлар, КПСС Марказий тафтиш комиссиясининг аъзолари билан келишиб, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари фикрларини ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитетининг мамлакат барча коммунистларига «Принципиал негизда жипслаштириш учун» очиқ хати тайёрланди, у матбуотда эълон қилинмоқда.

ПРИНЦИПАЛ НЕГИЗДА ЖИПСЛАШИШ УЧУН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ
МАМЛАКАТ КОММУНИСТЛАРИГА

ОЧИҚ ХАТИ

Коммунист ўртоқлари! КПСС XXVIII съезди арафасида жамиятда ва партияда юз бераётган мураккаб, зиддиятли жараёнлар бизни ушбу муаммолар билан мунозараларга қўймоқда.

Мамлакатда юз бераётган ҳужур ўзгаришлар, мамлакат олдида пайдо бўлган муаммоларнинг ўткирлиги съездга алоҳида аҳамият бахш этади. Кўп нарса партия анжуманимиз қандай тайёрланишига, унга коммунистлар қандай кайфият, гоий фикрлар ва сийёсий фаоллик билан келишларига боғлиқ бўлади.

Ҳозир партия ташкилотларида, матбуотда съездолди мунозаралари авж олиб бормоқда, бу мунозараларга партия Марказий Комитети томонидан тайёрланган партия XXVIII съездида Ҳаракат дастури ва партиянинг янги Устави лойиҳалари асос қилиб олинган.

Авторитар-бюрократик системадан қатъий назар, нисонарвар, демократик социализмининг, самарали планли-бозор иқтисодиётининг, ҳуқуқий давлатини барпо этишнинг мақсад қилиб қўйиш, совет федерациясининг янгилаш, халқ учун муносиб турмуш шароитини яратишни қўзлаш, «совуқ уруш»ни тугатиб, ресурсларини мамлакат фаровонлигига сарфлашга ўтиш имконини берадиган янги ташқи сийёсат — КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасида қайта қуришнинг моҳиятини ифодаловчи бу қондалар партия ва халқни жипслаштириш учун яхши заминдир.

Кенг ва эркин мунозара давомидида лойиҳалар қўллаб-қувватланмоқда, таъкид қилинмоқда, баъзан эса жуда қаттиқ танқид қилинмоқда, тўзатишлар, қўшимчалар, аниқликлар тақлиф этилмоқда, муқобил вариантлар киритилмоқда. Ҳаракат дастури ва КПСС Уставини бойитишга ҳизмат қилиши мумкин бўлган ҳамма тақлиф ва мулоҳаза, ари умулштириш ва таҳлил этиш юзасидан қизғин иш бормоқда.

Мунозара партия ва жамиятдаги мавжуд қарашлар ва позицияларнинг хилма-хиллигини акс эттирмоқда, одамларнинг ижтимоий-сийёсий соҳадаги кескинликлари, иқтисодиётдаги тағлиқ ҳолларидан, миллийларо негиздаги можаролардан, ажрамайчилик тенденцияларидан, жиноятчиликнинг қўпайишидан, интизом ва тартибнинг бўшашиб кетишидан ташвишланаётганликларини кўрсатмоқда.

Бизда ошқоралик, демократия ва фикрлар эркинлиги шароитида сийёсий қарашлар ва позицияларнинг хилма-хиллиги мавжуд бўлиши қондага айланган қолди. КПСС ўзининг раҳбарлик роли қонун билан мустаҳкамлаб қўйилишдан воз кечиб, у қонларнинг рўй-рост, ҳалол рақобатини ёқлаётганлигини амалда кўрсатди.

Шу билан бирга Марказий Комитет муайян шахсларнинг партияни у ташла олган стратегия йўлидан четта чиқаришга, агар илжон бўлса, партияда ажраллини келтириб чиқаришга уринишларини эътиборга олмаслик мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Бундай уринишлар ҳам ўнг, ҳам сўл томондан бўлмоқда. Бировлар қайта қуришда жамият ва партиянинг «либерал-буржуаза ўзгариш»ни кўриб, уни рад этмоқдалар. Бошқалар социализмга қарши қучларга қўшилиб, Октябрь инқилобининг фожияли хато деб эълон қилмоқдалар, капитализмин тиклашга даъват этмоқдалар. Миллатчилик, шовинистик кайфиятлар ва ажрамайчилик мунозаралари жиддий хавфга айланмоқда. Буларнинг ҳаммаси партияда муайян даражада акс этмоқда.

Коммунистлар кўпгина партия структураларида консерватизм, тафаккур ва ҳаракатлар ақидалари, одамлар билан мулоқот олиб бора билмаслик, уларни тинглай олмаслик ва тушунамаслик, уларга ердан қўлини қўзмаслик сақлабни қолаётганлигини ҳақли равишда таъкидламоқдалар. Буларнинг ҳаммаси партия учун катта зарар этказмоқда. Жамият тараққиётининг замонавий тенденцияларини, амалда чинакам демократияни, ошқораликни, нисонага асосий эътиборни қаратишни қарор топтириш аҳтиёжининг кучайиб бораётганлигини ҳисобга олмаслик — сийёсий ҳаётдан четта чиқиб қолиш демантир. Сталинизм ва турғунлик меросидан узили-кесил воз кечиб — КПСС учун ҳаётин заруратдир.

КПССнинг бир қанча аъзолари қайта қуриш байроғи остида сохта радикал мавқеидан туриб, партияга қарши кураш бошлагандиклари ҳам катта ташвиш туғдиради. Улар ўзларини «ички демократлар», гўё тўб ўзгаришларнинг бирдан-бир тарафдорлари деб эълон қилиб, КПССнинг гоийин ва ташкилий негизларига ҳужум бошладилар, баъзилари эса тўғридан-тўғри Ленин ва ленинизмга қарши чиқмоқдалар. Шу муносабат билан «Демократик ҳаракат дастури» деб аталмиш дастур теъра-рагига жипслашган кишиларнинг фаолияти эътиборни ўзига жалб қилмоқда.

Эслатиб ўтамиз: КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида муқобил лойиҳаларга тақлифлар киритиш тасвиф этилди. Бинобарин партия баён қилиб беришда ҳеч қандай ноқўллик йўқ, албатта. Бунинг устига «Демократик ҳаракат дастури» матнида баён қилинган жамият ва партиядаги вазиятдан жиддий ташвишланишни, уни қатъий ўзгартириш мунозарасини тушуниш мумкин. Ҳужжатнинг ўткир таъкидий тусдалиги ҳам қўпларга маъқул бўлмоқда.

Бироқ «Демократик ҳаракат дастури»да аслида партиянинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга амалий ҳисса қўпишга биров бўлсада жиддий уриниш йўқ. Унда ҳозирги вақтда жамиятимизни ҳаяжонга солаётган принципиал масалаларга жавоблар, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, миллийларо муносабатлар, таъқи сийёсий фаолитта доир аниқ-равшан тақлифлар йўқ.

Ўғимизга ва ҳозирги даврга берилган баҳоларнинг кескинлиги, бир қарашда қайта қуришга тағин ҳам ўткирроқ тус бериш мудиоси тақозо этган баландпарвоз широрлар орасида «Демократик ҳаракат дастури» муаллифларининг партияимизни фракциялар ва гуруҳларнинг тўла эркинлиги таъминланган қандайдир шаклсиз уюшмага айлантириш, яъни амалда партияни тарқатиб юбориш режалари яширинган.

Айни шу йўналишда кенг тарғиботчилик ва ташкилотчилик фаолияти авж олдириб юборилди. Тарафдорлар рўйхатга олинмоқда, марказда ва баъзи регионларда мувофиқлаштириш кенгашлари тузилган, жойларга вакиллар юборилмоқда. КПССдан мустақил бўлган моддий базани яратиш масаласи қўйилган. Бу эса партияни ичидан парчалаб юборишга, уни сийёсий майдондан четлаштиришга қаратилган йўлдир.

Асл моҳияти жиҳатидан партияга федерал структурани тикштиришга, коммунистларин миллий белгисига қараб ажратиб юборишга уринишлар ҳам худди шундай оқибатларга олиб боради.

Биз партиянинг парчаланиб кетишига қатъиян қаршимиз, биз партия сафларини жипслаштириш тарафдоримиз.

У ёки бу муаммоларни тушуниб етишда, қайта қуриш вазифаларини ўртага қўйишдаги тарафвотлар, агар улар партиянинг гоийин-назарий ва ташкилий асосларини рад этмаса, ҳар томонлама муҳокама қилиниши мумкин, лекин улар партиянинг парчаланиб кетишига мутлақо сабаб бўла олмайди. Съездолди мунозарасида фаол иштирок этиш, ўз қарашларини баён қилиб бериш, ҳимоя қилиш ва ўтказиш учун ҳар бир коммунистнинг барча имкониятлари бор. КПСС Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари ҳар қандай тақлифлар ва қўшимчалар учун очилди. Фақат социализм йўлимиз доирасида турли фикрларни оқилона бирлаштириш йўлида коммунистларнинг партия ва мамлакат келажигини белгилаб берадиган ягона ҳаракат дастурини яратиш мумкин.

КПСС Марказий Комитети партия ташкилотларининг эътиборини бутун съездолди мунозарасини қучайтириш, уни жамиятнинг янгилаш жараёнлари билан, амалий ишлар билан мустаҳкам боғлаш зарурлигига қаратади. Турлича ёндашуларни дадиллик билан қислаш, ҳар бир амалий қонга авайлаб муносабатда бўлиш ва шу билан бирга гоийин парокандалик ва гоийин муаммаларга муроосасизлик билан муносабатда бўлишга йўл қўймаслик керак. Коммунистлар замирида шахсий сийёсий нафсониятдан бошқа нарса бўлмаган баландпарвоз гаплар ва енгилтақлик билан берилган ваздаларга берилиб кетишга йўл қўймасликлар керак.

Шундай пайт келиши, мунозаралар эркинлигига зарар етказмаган ҳолда, унинг амалий асосларини мустаҳкамлаб, унинг қатъият ва собитламлилик билан партияни парчалаб юбориш сари олиб бораётган, КПСС ичида фракцияларини ташкилий жиҳатдан шакллантираётган, совет халқининг таяллаб олган социалистик йўлини рад этаятган, ўз қарашлари ва ҳуқуқ-аътори билан ўзини ўзи партия қаторидан амалда чиқариб қўйган партия аъзоларига нисбатан қандай иш тутиш лозимлигини аниқлаб олиш зарур. Бундай кишилар КПСС сафлариди қолиши мумкинми?

Бу масалани сийёсий тараққиёт мантиқининг ўзи қўймоқда, бинобарин уни коммунистлар, партия ташкилотлари ҳамда уларнинг комитетлари ҳал этишлари лозим.

Партияга қарши кураш йўлига ўтган кишилар билан орани очиқ қилиб олиш бу тозалаш, бошқача фикрлашни бостириш эмас. У фракциячи гуруҳларнинг ташкилотчиларига қарши қаратилган бўлиши лозим. Сохта инкилобий жумлаларга ўған, жамиятда ва партияда юз бераётган жараёнларни аниқлаб олмаган коммунистларга келганда эса бу соҳада фақат бир нарса — чалғитилган ва иккиланаётган кишиларни партия сийёсатининг тўғрилигига ишонтитишга қодир бўлган тушунириш ишларини кучайтириш зарур.

КПСС XXVIII съездидаги уч ойдан камроқ вақт қолди. Кўпгина партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар, конференцияларга, умумпартия анжуманига номзодлар кўрсатиш бошланмоқда. Эътиқодли коммунистлар, ташаббускор, инқодор, ахлоқий жиҳатдан мусаддоф, партия, ўз халқи, социализм Ватанимиз олдидаги, жамиятнинг инкилобий янгилаш тақдирини учун масъулиятини қўйиб эътидан кишилар съездга делегат қилиб сайланганлар мумкин.

Биз — партия сафларини принципиал негизда жипслаштириш тарафдоримиз, қайта қуриш мақсадларини, нисонарвар, демократик социализмининг олий мақсадларини қадрлайдиган барча кишиларнинг мустаҳкам бирлиги тарафдоримиз.

Биз КПСС XXVIII съезди янгилашни ва бунёдкорлик съезди, партия янги куч ва шижоат оладиган съезд бўлиши тарафдоримиз.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12